

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON  
MILLIY UNIVERSITETI



TAEKVONDO VA SPORT FAOLIYATI FAKULTETI

**JISMONIY TARBIYA VA SPORT SOHASINI  
RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI:  
MUAMMO VA YECHIMLAR**

II-Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalari

**TO'PLAMI**

23-24 aprel

**IV-qism**

TOSHKENT 2022

**OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON**

**MILLIY UNIVERSITETI**

**TAEKVONDO VA SPORT FAOLIYATI FAKULTETI**

**JISMONIY TARBIYA VA SPORT SOHASINI**

**RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI:**

**MUAMMO VA YECHIMLAR**

**II-Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalari**

**TO'PLAMI**

**IV-qism**

**2022 yil**

**23-24 aprel**

**TOSHKENT – 2022**

**2-ШҮЙБА: ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФИЗИОЛОГИК, ПЕДАГОГИК-  
ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ВА ФАНЛАР АРО ИНТЕГРАСИЯЛАШУВ  
МАСАЛАЛАРИ**

**БОЛАЛАРНИ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВОСИТАСИДА ЖИСМОНИЙ  
ЧИНИҚТИРИШ**

*Аширбоев И.М.  
ЧДПИ талабаси*

**Аннотация:** Мақолада болаларни халқ ўйинлари воситасида жисмоний чиниқтириш, машгулотларда халқ ўйинларига жалб қилиши бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний чиниқтириш, болалар, халқ ўйинлари, дарс ва дарсдан ташқари машгулотлар.

**Annotation:** The article provides recommendations for physical training of children through folk games, involvement in folk games in the classroom.

**Keywords:** physical education, children, folk games, lessons and extracurricular activities.

Мустақиллик йилларида республикамизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, баркамол авлод тарбиясини кўзлаб қабул қилинган давлат дастурлари, қарор ва фармойишларнинг барчаси, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни хамда Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1999 йил 27 май) қарори юртимизда ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялашни кўзда тутади.

Мутахассисларнинг тасдиклашларича, келажак авлоднинг соглом бўлиши 50 фоиз турмуш тарзига, 15 – 20 фоиз социал ва табиий шароитларга, ирсий ва шу сингари омилларга боғлиқ экан. Аҳоли кўпчилик қисмининг соғлом ўсиши, асосан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ва шу соҳа ходимларининг олиб бораётган ишлари билан боғлиқдир.

Жисмоний маданиятни ошириш жараёнида нафақат спорт машқлари, балки халқимизнинг юксак маънавияти, қадрият ва анъаналарини ўзида мужассам этган миллий халқ ўйинлари ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин қисқа муддат ичиде миллий спорт турлари ва ўйинларнинг 1000 га яқин ёзиб олинганилиги бу хазинанинг қанчалик кенг кўламлик эканлигидан дарак беради. Миллий спорт турлари ва ўйинларнинг соддалиги, иштирокчилар таркибининг ўзгарувчанлиги бундан ўйинлардан тарбияда жуда кенг фойдаланиш имкониятини яратади.

Шундай экан, болаларни халқ үйинлари воситасида жисмоний чиниқтириш, уларда соғлом турмуш тарзини яратиш педагогиканинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш күзда тутилар экан, аввало, соглом турмуш тарзини яратышдаги омилларга асосий эътибор қаратмоқ зарур. Бундай омиллар күпчиликни ташкил қиласы, аввало, ота-онадаги соғломлык даражаси, үқитувчининг маҳорати, машгулотлар ташкил этиладиган жой, уларга қўйиладиган санитар-эпидемиологик талаблар, болаларнинг ақлий-рухий, жисмоний ривожланиш даражаси, болалардаги характер кирралари, ёши ва жинси, саломатлик ҳолати, ахлоқи, тарбияси, интеллектуал ва жисмоний қобилияти. Тарбиячи томонидан айни жиҳатлар биринчи галда эътиборга олинмоғи ва шуларга асосан машғулотлар ўтказилмоғи мақсадга мувофиқдир. Дарсда ёки синфдан ташқари машғулотларда табиат қўйнида ёки озода шинам спорт залида болаларнинг халқ үйинлари воситасида амалий машқлар билан шуғулланиши уларда нафосат ҳис-туйғусини, ақлий тушунчасини ва дидини тарбиялади.

Жисмоний тарбия машғулотлари мазмун ва шакл жиҳатдан ўзаро мос келгандагина кутилган натижаларни беради. Айниқса, амалий ҳаракатларни ташкил этиш мазмуни унинг сифати, шакли ва хусусиятлари билан чамбарчас боғланган бўлиши зарур. Бунда болаларни жисмоний чиниқтириш устувор омил ҳисобланади.

Маълумки, боғчадаги болалар ҳар хил. Уларнинг барчаси ўзига хос характерга эга бўлиши табиий. Баъзилари билимларни тез ўзлаштирса, баъзилари секин, баъзилари пассив. Тажрибалардан кўринадики, болаларнинг аксарияти жисмоний тарбия дарсларига қизиқади. Аммо шундай ҳолатлар ҳам борки, жисмоний тарбия машғулотларига умуман қизиқмайдиган болалар бор. Улар билан ишлаш, фанга қизиқтириш, амалий ҳаракатларни бажаришга чорлаш үқитувчидан улкан билимни талаб қиласа, иккинчидан, ижодкорликни шарт ва зарур қилиб қўяди. Шу сабабли, үқитувчи болаларнинг сиҳат-саломатлиги, уларнинг ақлий ва ривожланганлик даражасидан боҳабар бўлиши лозим. Бунинг учун эса оила, боғча, маҳалла ҳамкорлиги концепциясидан самарали фойдаланиш мақбул йўллардан ҳисобланади.

Шунингдек, тарбиячи боланинг сўнгги тиббий қўриги, уй шароитлари билан яхши танишган бўлиши ва ота-онаси билан мунтазам алоқада бўлиши керак. Халқ үйинларининг аксарияти болалардан тезкорлик, чапдастликни талаб қиласы. Баъзи ҳаракати пассив ёки ўзига ишонч кучли бўлмаган болаларда бу каби ҳаракатларни амалга ошириш олдидан қўркув, хавотир бўлиши мумкин. Улардаги хавотирнинг асосий сабаби берилган амалий ҳаракатни тенгдошлари олдида бажара олмай қолишини ўйлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тарбиячи ушбу қирраларни эътибордан қочирмаслиги керак. Баъзи болалар амалий ҳаракатларни бажаришга қизиқиши, баъзилари эса қизиқмасликлари мумкин. Буни оиладаги шароитлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу сабабли, талаб қўйилаётгандан ҳар икки қутбни тенг ҳисобга олиш, пассив ўзлаштирувчилар учун индивидул ёндашган ҳолда, яхши ўзлаштирувчиларни рағбат сифатида ўзларига ёрдамчи сифатида машқларни бажартиришлари мумкин.

Буни зинхор болаларга билдиримаслик, яъни яхши ўзлаштирувчиларни бошқаларга нисбатан устун эканликларини эътироф этмаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кўпинча катъийлик ва жасурликни талаб қиласиган амалий ҳаракатларни бажаришга баъзи болаларда ишончсизлик ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бундай вақтларда бир халқ ўйинини иккинчиси билан алмаштириш ёки унга бажаришда ёрдамлашиш, ҳамроҳлик қилиш тавсия этилади. Машқларни бажаришда оддийдан мураккабга томон йўналиш яхши фойда беради. Масалан, бирданига “Оқ теракми, кўк терак” ўйинини ўтказишдан олдин болаларни олдиндаги тўсиқни енгиб ўтиш, кесиб ҳаракатланишга тайёрловчи, яъни маълум куч талаб қилувчи ўйинларни ташкил этиш. Ёки “Хўролар жанги” ўйинидан олдин ўзига ишончи суст бўлган болаларни ўз ўрнида турган ҳолда маълум вақт сакраб туришга ўргатиш, доира ёки чизик билан белги кўйиб, шунинг атрофида сакраб туриш машқини амалга ошириш керак. “Чавандозлар” ўйини олдидан чавандозни опичлаш учун жисмоний имконияти етарли болани танлаш, унга имконияти камроқ болани унга олдиндан тайёрлаш ва кейин ўйинга йўллаш лозим. Тарбиячи болани индивидуал ёндашганда машқлар миқдорини ва такрорлаш сонини қайси вақтда ошириш, қайси вақтда чеклашни яхши билиши, халқ ўйинларини бажариш учун болаларга шароитлар яратса билиши ва албатта, шифокор тавсия этган амалий машқларни бажартиши зарурдир.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аслонова М.А “Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш”. Навоий- 2009
2. Суяров. Х. Навоий Давлат педагогика институти Миллий ҳаракатли ўйинлар фанидан маъruzalар матни 10 бет 2010 йил
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 310 б.

## O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILAR SPORT FORMASI TASHKIL TOPISHIDA PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI TAVSIFI

*Qurbanov X.X., O'zDJTSU o'qituvchisi*

*Annotation. Mazkur tezisda o'rta masofaga yuguruvchilar yillik tayyorgarlik mashg'ulotlarida sport formasining tashkil topishida psixologik tayyorgarligi tavsifi va aloqadorligi bo'yicha keng ma'lumotlar berilgan.*

*Kalit so'zlar. Mashg'ulot, sport forması, psixologik tayyorgarlik, model, tahlil, start oldi holatlari.*

*Аннотация. В данном тезисе представлена обширная информация по описанию и актуальности психологической подготовки в формировании спортивных форм в годичной подготовке бегунов на средние дистанции.*

*Ключевые слова. Тренировка, спортивная форма, психологическая подготовка, модель, анализ, предстартовые условия.*

2-ШЎБА: ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФИЗИОЛОГИК, ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ВА ФАНЛАР РО ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ МАСАЛАЛАРИ		
<i>Аширбоев И.М.</i>	БОЛАЛАРНИ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВОСИТАСИДА ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚТИРИШ	46
<i>Qurbanov X.X.</i>	O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILAR SPORT FORMASI TASHKIL TOPISHIDA PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI TAVSIFI	48
<i>Рўзметов Р.Т. Халманов Ж., Холмирзаев Ф., Худайбердиев Н.</i>	ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ	52
<i>Ismailov F.I.</i>	YOSH SPORTCHILARNING KUCH SIFATLARINI TARBIYALASHDA JISMONIY MASHQLARNING TA'SIRINI BELGILOVCHI OMILLAR	55
<i>Yuldasheva M. Saminjonova Z.</i>	SPORTCHILARNI TAYYORLASHDA PSIXOLOGIK YONDASHUVLAR	59
<i>Машарипов Ф.Т.</i>	ТАЛАБАЛАР ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ИШЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР	61
<i>Икрамов М.А. Эмирова А.У.</i>	ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ШКОЛЬНИКОВ К МАССОВОМУ СПОРТУ	66
<i>Алимбоева Р.Д</i>	ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ	70
<i>Radjarov U.R. Xakimjonova K.B.</i>	МАКТАВГАЧА TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM TARBIYA JARAYONINI TASHKIL QILISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK АНАМІҮАТИ	73
<i>Туркменов М.Д</i>	ЗНАЧЕНИЕ ЗАНЯТИЙ ФИЗИЧЕСКИМИ УПРАЖНЕНИЯМИ ИЛИ СПОРТОМ В САМОВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ	80
3-ШЎБА: АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИДА СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАЁТИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ		
<i>Рузметов А.Т. Абдуллаев Ф.О., Абдуназаров А., Абдусаломов С.</i>	ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА – КАК СИСТЕМА УКРЕПЛЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ	85
<i>Бабанов Ш.Ж.</i>	РАЗМИНКА БОРЦА В ПРОЦЕССЕ ТРЕНИРОВОЧНОЙ И СОРЕВНОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	88
<i>Мирбабаев М.И.</i>	СОВРЕМЕННЫЕ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫЕ СИСТЕМЫ ФИЗИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ И ИХ ХАРАКТЕРИСТИКА	92
<i>Рахимова М.П. Ахрапов А., Бутаев К.,</i>	ВОССТАНОВЛЕНИЕ ПОСЛЕ ТРЕНИРОВКИ И ЕГО СРЕДСТВ	96